



Зулматли кечанинг бўлаги каби фитна келишидан олдин амалларга шошилишлар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Зулматли кечанинг бўлаги каби фитна келишидан олдин амалларга шошилишлар. (Ўшанда) киши тонгда мўмин бўлиб, тунда кофир бўлиб қолади ва тунда мўмин бўлиб, тонгда кофир бўлиб қолади ҳамда дунёнинг арзимаган матосига динини сотади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминни фитна ва шубҳалар келиб машғул бўлиб қолишидан, тун каби қоронғи бўлиб ҳақ билан ботил қоришиб ажратиш одамларга оғир келиб қолишидан олдин солиҳ амалларга шошилишга ундамоқдалар. Фитнанинг оғирлигидан инсон пайпаслаб йўлини юқотиб мўмин ҳолида тонг отиб кеч кирганда кофир ёки кеч кирганда мўмин бўлиб тонг отганда кофир бўлиб қолади. Динини ўтқинчи дунё матосига сотиб қўяди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3138>

